

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозларининг кайфияти (5-дарс)

05:00 / 09.01.2017 4044

5-дарс.

7-Матн:

Бу ўнг кафтларини чап кафтлари устига қўйиш ва чимчалоқ ва бошбармоқ билан кафт бўғинини ҳалқа қилиб ушлаш билан бўлар эди.

7-Матннинг далиллар:

بِ بَيْتَيْكَ نَبِيٍّ مِمَّنْ عَزَّ ذِكْرُكَ إِنَّ تَدَحُّ دِيْلَوْلَا وَبِأَنَّ تَدَحُّ دِيْلَوْلَا نَبِيٍّ مِمَّنْ عَزَّ ذِكْرُكَ إِنَّ تَدَحُّ دِيْلَوْلَا
عَسْرًا أَوْ رَسْمًا لِيْلَوْلَا فَكَرَّهَ عَلَيْهِ عَزَّ ذِكْرُكَ وَهُوَ مِمَّنْ عَزَّ ذِكْرُكَ وَهُوَ مِمَّنْ عَزَّ ذِكْرُكَ
دَعَا لَوْلَا

1. Бизга Ҳасан ибн Алий, бизга Абул Валид айтиб берди, бизга Зоид ҳадис айти берди. У Осим ибн Кулайбдан унинг санади ва маъноси билан ривоят қилиб, унда шундай деди: “Сўнгра ўнг қўлларини чап кафтлари билан бўғини устига қўйдилар”. Сунан Абу Довуд, 1/193, “Икки қўлни кўтариш” боби. Бу ҳадисни Ибн Хузайма ўзининг саҳиҳида, “Ўнг кафтнинг ичини чап кафт билагига ва бўғинининг ҳаммасини устига қўйиш” бобида қуйидаги лафз билан ривоят қилган: “Сўнгра ўнг қўлларини – яъни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам – чап кафтлари билагига ва бўғини устига қўйдилар”. 1/243, 88-боб, 480-ҳадис.

Буни Табароний ҳам қуйидаги лафз билан ривоят қилган: “Намозда ўнг қўлларини чап қўлларига, кафт бўғинига яқин жойга қўйдилар”. Ат-Талхисул Ҳабир, 1/224, 332-ҳадис.

Айний айтади: “Қўлни қўйиш сифатидаги иккинчи ваҳж, у ўнг кафтнинг ичини чап кафтнинг бўғини устига қўйишдир. Шунда бўғин кафтнинг ўртасида бўлади”.

Исбижобий айтади: “Абу Юсуфнинг наздида ўнг қўли билан чап қўли кафти бўғинини ушлайди”.

Муҳаммад айтади: “Уни худди шундай қўяди ва чап кафтнинг бўғини ўнг кафтнинг ўртасида бўлади”.

“Муфид”да шундай дейилади: “Кафтнинг бўғинини чимчалоқ ва бошбармоқ билан ушлайди. Ихтиёр қилингани шу”.

“Дироя”да шундай дейилади: “Чап тирсагини ўнг кафти билан ушлайди. Буни Имом Шофеъий ва Аҳмадлар айтишган”.

Абу Юсуф ва Муҳаммад роҳматуллоҳи алайҳимлар бир ривоятда шундай дейишган: “Бармоқлари ичини кафт бўғини устига уни ушламай узун ҳолда қўяди. Машойихлармиздан кўплари бу иккисини жамлаб, ўнг кафтининг ичини чап кафтининг устига қўйишни ва кафтнинг бўғинига чимчалоқ ва бошбармоқ билан ҳалқа қилишни яхши санашган”... Умдатул Қорий 2/15.

8-Матн:

Сўнгра: “Субҳаанакаллоҳумма ва биҳамдика ва табаарокасмука ва таъаалаа жаддука ва лаа илааҳа ғойрука”, дердилар.

8-Матннинг далиллар:

يَحْيَىٰ عَفْرَرُ رَبِّكَ إِذَا نَأَىٰ عَنْكَ مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلُ يَصِلُ إِلَىٰ بِنْتِ لَيْلَىٰ عَنِ ابْنِ عَدَىٰ ع-١
هَلْ أَلَوْ كَذَّبَ لَعْلَلُ عَفْرَرُ رَبِّكَ إِذَا نَأَىٰ عَنْكَ مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلُ يَصِلُ إِلَىٰ بِنْتِ لَيْلَىٰ عَنِ ابْنِ عَدَىٰ ع-١
كُزَيْغَ

1. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон такбир айтсалар икки қўлларини қулоқлари баробаригача кўтарар эдилар ва: **“Субҳаанакаллоҳумма ва биҳамдика ва табаарокасмука ва таъаалаа жаддука ва лаа илааҳа ғойрука”,** дердилар”. Табароний “Авсот”да ривоят қилган. Ҳадиснинг рижоллари сиқалардир. (Мажмауз Завоид 1/184).

إِذَا نَأَىٰ عَنْكَ مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلُ يَصِلُ إِلَىٰ بِنْتِ لَيْلَىٰ عَنِ ابْنِ عَدَىٰ ع-١
يَحْيَىٰ عَفْرَرُ رَبِّكَ إِذَا نَأَىٰ عَنْكَ مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلُ يَصِلُ إِلَىٰ بِنْتِ لَيْلَىٰ عَنِ ابْنِ عَدَىٰ ع-١
كُزَيْغَ

2. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон намозни бошласак: “

Субҳаанакаллоҳумма ва биҳамдика ва табаарокасмука ва таъаалаа жаддука ва лаа илааҳа ғойрука”, дейишимизни таълим берар эдилар.

Умар ибн Ҳаттоб розияллоҳу анҳу ҳам бизга таълим бериб: “Расулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи васаллам шуни айтар эдилар”, дерди”. Табароний “Авсот”да ривоят қилган. (Мажмауз Завоид 1/184).